



MILLIY TIKLANISH

47 (419)

2016 йил 5 ноябрь, шанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Миллий тикланиш — миллий ўзликни англаш демакдир!

Сухбат

Юзма-юз

Сайловга муносиб ҳозирлик кўрилмоқда

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий сайлов тизими ва қонунчилиги умумэтироф этилган халқаро стандартлар, миллий тажрибаларимизга мос такомиллаштирилиб, мустаҳкамланди. Айни пайтда 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловида қизгин тайёргарлик кўриляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, шу жумладан, ЎзМТДПдан номзод Сарвар Отамуратов ҳамда унинг ишончли вакиллари жойларда сайловчилар билан учрашиб, сайловолди Дастурдан ўрин олган мақсад-вазифаларни кенг тарғиб-ташвиқ қилмоқда.

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги ушбу сиёсий тадбирни ташкил этиш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси муҳим ўрин тутди. Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида зарур барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Комилжон ОДИЛОВ билан мамлакатимиз миллий сайлов тизими, сайловолди ташвиқоти, бу йилги сайловга тайёргарлик жараёнларининг бориши ҳусусида суҳбатлашдик.

— Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён олдиди турибди. Айтинг-чи, бу йилги Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови аввалги сайловлардан нимаси билан фарқ қилади?

— Хабарингиз бор, мамлакатимизда 2014 йилда парламент, 2015 йилда Президент сайлови бўлиб ўтди.

> 3-бет.

Тарихий обидалар бебаҳо бойлигимиз

уларни ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш — устувор вазифа

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари фаол ва қизгин кечмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилди. Унда турли соҳа — давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар, ёшлар, партия аъзолари қатнашди.

Мазкур учрашув Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларидаги сайловчилар вакиллари билан онлайн видеоконференция тарзида, қизгин савол-жавоб руҳида ўтди.

Учрашувни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиданги ЎзМТДП фракцияси раҳбари Баҳамдулла Нурабуллаев очиб, шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга мамлакатимизда пухта ҳозирлик кўриляётгани, уни қонун талаблари асосида, очиқ ва ошқора, транспарентлик руҳида, юқори савияда ташкил этиш учун барча шароит муҳайё қилинганини таъкидлади.

Президентликка номзоднинг ишончли вакили Тожибой Романов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар

Отамуратов ўзининг сайловолди Дастури юзасидан нутқ сўзлади.

— Мамлакатимизнинг шимолий дарвозаси бўлган, истиқлол шарофати туфайли гуллаб-яшнаётган, меҳнатқаш, фидойи, бағрикенг, матонатли ва саховатли, оғир синовларда тобланган қорақалпоқ халқи билан учрашишдан, сизларга чуқур хурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан ниҳоятда бахтиёрман.

Жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён бўлиб, унда партияимиз ўзининг қатъий белгиланган дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш учун миллий сайлов қонунчилиги ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда фаол ҳаракат қилади.



> 2-бет.

Ёшлар нигоҳи

"Биринчи марта овоз бераман!"

Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. Юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёди навқирон авлод вакиллари. Бу Ўзбекистонда барча соҳалар тараққиётида уларнинг иштироки ва таъсири муҳим аҳамият касб этишидан далолат.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, қизиққан соҳалари бўйича касб-ҳунар эгаллаши, турли фан йўналишларида илмий изланишлар олиб бориши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида юзлаб ёшларимиз халқаро фан олимпиадалари, санъат ва спорт мусобақалари, турли фестивалларда юқори натижаларга эришяётгани, жаҳон миқёсида илмий кашфиётлар қилаётгани ўзбек фарзандларининг билим ва тафаккури, салоҳияти дунё миқёсида тан олинаётганининг исботидир.

Бугун ижтимоий фаол ёшларимиз Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга дахлдорлик ҳисси билан

яшамоқда. Йигит-қизларимиз юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этаётди. Бунинг учун 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловида тайёргарлик жараёнида ҳам кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайловга доир қонунларга мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлган фуқаро сайловда қатнашиш, овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу албатта, ҳар бир онгли фуқаро ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловида илк марта овоз берадиган ёшларнинг сайлов жараёнлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

> 3-бет.

Ҳуқуқ ва бурч

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари кимлар бўла олади? Уларга қандай вазифалар юклатилган, сайлов жараёнида улар қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эга?

Қобилжон АКБАРОВ, Қўрғонтепа тумани

— Маълумки, мамлакатимизнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида сайловларни эркин ва адолатли, демократик тамойиллар асосида ўтказишга кўмаклашадиган бир қатор меъёрлар мавжуд. Ана шундай жиҳатлардан бири бу — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари институтидир. Миллий сайлов тизимимизда бу институтнинг мавжуд бўлиши сайлов жараёнларида номзодларнинг ва сиёсий партияларнинг кенг иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Ўз мазмун-моҳиятига кўра, ишончли вакиллар деганда сайлов жараёнида Президентликка кўрсатилган номзодлар номидан ҳаракат қилувчи шахслар тушунилади.

"Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари тайинлаш тартиблари белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши ҳақида. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда амалий ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президентлиги этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда ўз номзодининг манфаатини ҳимоя қиладилар.

Президентликка номзод рўйхатга олингандан кейин ишончли вакиллари ўзи белгилайди ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясига маълум қилади. Ишончли вакиллар тегишли сайлов округи ҳудудида яхши танилган, обрў ва нуфузга эга бўлган кишилар орасидан танланиши, номзоднинг таржимаи ҳоли, ҳаёт йўли ва сайловолди Дастурини яхши билиши сайловда ижобий натижага эришишнинг гаровидир. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига кўра, ишончли вакилларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Ишончли вакил бўлиш ихтиёрийликка асосланади ва у истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши ҳақида.

Акмал РАҲМОНОВ, юридик фанлари номзоди, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови куни

Округ сайлов комиссияси фаолияти

сайловда очиқ-ошқораликни таъминлашда муҳим ўрин тутди

Сайловлар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, демократик ҳуқуқий жамият қуриши ва давлат бошқаруви жараёнида бевосита иштирок этиши учун қулай имкониятдир. Айни кунларда Наманган вилоятида шу йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови фаолияти сиёсий фаолияти асосида юқори савияда ўтказиш учун қизгин тайёргарлик кўриляпти.

Наманган шаҳридаги "Ёшлар маркази" биносида жойлашган 6-Наманган округ сайлов комиссияси иш фаолиятини самарали ташкил этиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилди. Вилоятда сайловчиларнинг умумий сони 1 миллион 771 мингдан зиёд бўлиб, уларнинг 70 мингга яқини бу муҳим сиёсий тадбирда биринчи марта иштирок этадиган ёшлардир. Шу боис округ сайлов комиссияси жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таълим муассасаларида бўлиб ўтаётган учрашувларда ёш сайловчиларга миллий сайлов қонунчилиги, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, Марказий сайлов комиссиясининг сайловни тартибга солувчи қарорлари ҳақида атрофлича маълумот берилмоқда.

> 3-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Тарихий обидалар бебаҳо бойлигимиз

уларни ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритиш — устувор вазифа

«Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Номзод сайловчиларни ўзининг сайлов-олди Дастуридан ўрин олган мақсад-вазифалар билан таништирди. Таъкидлаш жоиз, ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди Дастури миллий-маънавий юксалиш, барча соҳада миллий манфаатлар

ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларга асосланган ташқи сиёсат юритиш борасида ҳам қатор мақсад-вазифалар илгари сурилган.

Номзоднинг сайловолди Дастурида, аynикса, маданий мерос объектларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки, Қорақалпоғистон Респуб-

хали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талабига. Масалан, бир қатор маданий мерос объектлари ҳисобга олинмаган, экспонат, коллекция ва архив ҳужжатлари тўлиқ тоифалаштирилмаган.

Шу боис, номзоднинг сайловолди Дастурида Қорақалпоғистон Республикасидаги маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиш, тоифалаштириш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, қайта таъмирлашга кўмаклашиш ва бугунги кунгача ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига кирмаган осори-атиқаларни унга киритишда фаоллик кўрсатиш зарурлиги устувор вазифа сифатида қайд этилган.

“Баркамол авлод — миллат таянчи” тамойили асосида ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Дарҳақиқат, бугунги ахборот асрида ушбу иллатга қарши курашиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим ва долзарб муаммага айланган. Қолаверса, у миллат қиёфаси ва ўзлигига ҳам таъсир этмай қолмайди. Сайловолди Дастурда “оммавий маданият”га қарши курашишнинг йўллари, механизми кўрсатиб берилгани эътиборга молик. Яъни, ёшларнинг қалби ва онгига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, уларни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш келажак авлодни таъсирчан усулларда намоён бўлаётган иллат ва ахборот хуржларидан муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутди. Бунда кино, театр ва эстрада санъатида халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи, маданияти, аънаналари ва илғор урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этилган асарлар дунёга келишига кўмаклашиш ҳамда уларни тарғиб қилиш асосий вазифа сифатида белгиланган. Шу билан бирга, Дастурда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш борасида илгари сурилган мақсад-вазифалар ҳам баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутди.

Президентликка номзод Сарвар Отамуратовнинг сайловолди Дастурида белгиланган барча йўналишдаги ғоя ва

мақсадларга миллий қадрият, аънава ҳамда Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилган. Номзод томонидан илгари сурилаётган вазифалар сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, миллий хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, спортнинг миллий турлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасидаги фикрлари қорақалпоғистонлик сайловчилар эътиборини тортди. Номзод сайловолди Дастури мазмун-моҳиятини баён қилар экан, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, бугун жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этаётган бир вақтда аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга, аҳолининг овқатланиш

маданиятини юксалтириш муҳим вазифалардан бири эканлигига эътибор қаратди.

Видеоконференция тарзида ўтказилган учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жолдасбай Абдижамилов, Нукус шаҳридаги 31-сонли умумтаълим мактаби директори Венера Каленова, Қорақалпоғистон Республикаси Онкология касалликлари диспансери бош шифокори Мурод Курбонов, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси Инжойим Сейтназарова, Қорақалпоқ давлат мусиқали драма театри актери Мархабай Усенов сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди Дастурини қўллаб-қувватлади ҳамда сайловчиларни шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Сарвар Отамуратовга овоз беришга чақирди.



устуворлигини таъминлашга йўналтирилган. Номзоднинг сайловолди Дастурида маънавий-маърифий соҳа етакчи ўрин тутиб, бу борада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш энг муҳим вазифа сифатида белгиланган. Миллий ўзлигини англаш, миллий ғурур ва кадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш, миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси, Ўзбекистон тарихини чуқур ва ҳолисона ўрганиш, ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси ҳамда ёдгорликларини асраб-авайлаш, она тилимиз соғлигини сақлаш ва бойитиш, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига устувор аҳамият қаратилган. Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш, миллий иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий соҳа самарадорлигини ошириш, миллий ахборот тизимлари ва

ликсиди тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар жуда кўп. Беруний туманидаги Султон Увайс қалъаси, Хўжайли туманидаги Миздахон археологик ёдгорлиги, Эликқалъа туманидаги Тупроққалъа, Амударё туманидаги Шилпик қўрғони ва бошқа маданий мерос объектлари шулар жумласидандир. Шунингдек, И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат ва Улқашунослик музейларида жуда қимматли кўлёмза, экспонат, коллекция ва архив ҳужжатлари сақланмоқда. Қорақалпоғистонда бундай улғув тарихий меросини асраб-авайлаш ва ҳисобга олиш бўйича муайян ишлар қилинган. Аммо, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Жўрғори Кенгесдаги фракция аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолияти шуни кўрсатдики,

Муяссар САРИЕВА,
хунарманд:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг сайловолди Дастуридаги устувор йўналишлар, хусусан, миллий хунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг аънаналарини сақлаб қолишни рағбатлантириш борасидаги фикрлари эътиборимни тортди. Юртимизда азалдан хунармандчиликнинг барча тури ривож топган. Бугун Қорақалпоғистонда ҳам “устоз-шоғирд” аънаси давом этиб, халқнинг юксак маданияти ва истеъдодини намоийш этадиган, бадиий-эстетик қимматга эга бўлган миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Бу борада партия томонидан ташкил этилган “Банк кредитлари — хунармандларга” лойиҳаси хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида хунармандлик, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, хунармандлар, касаначилар фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Тимур ҚОБИЛБЕКОВ,
Нукус юридик коллежи ўқувчиси:

— Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, Ватанимиз кундан-кунга гуллаб-яшнаётгани барчамизга ғурур бағишлайди. Ушбу ўзгаришлар, ўз навбатида, биз, ёшлар қалбида юрт тараққиётига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради. Шу йилнинг 4 декабрида ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб, биринчи бор овоз бераман. Шу боис сайлов қонунчилигига доир ҳужжатлар билан яқиндан танишиб чиқдим. Ўқиб-ўрганларим ушбу муҳим жараёнда фаол иштирок этиб, ўз ҳуқуқимдан самарали фойдаланишимда қўл келиши шубҳасиз. Менинг сайлов ҳуқуқим Ватанимиз равангага дахлдорлигимнинг қонуний ифодаси эканлигини, овозим ана шу мақсадларга хизмат қилишини чуқур англаб етдим. Ўйлайманки, мен каби ёшларнинг бўлажақ сайловдаги фаол иштироки юртимизнинг янада тараққий топиши ҳамда турмушимиз бундан-да фаровон бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Эркин ДОРИПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Электорат манфаатлари

доимий эътиборимизда бўлади

2016 йилнинг 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиясидан номзод Сарвар Отамуратов андижонлик сайловчилар билан учрашди. Видеоконференциялоқ шаклида ўтган учрашувда кенг жамоатчилик вакиллари, партия аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, ёшлар ва журналистлар қатнашди.

Учрашувни ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши девони раҳбари Ҳамид Оминов очди. Президентликка номзоднинг Андижон вилоятидаги ишончли вакили Садбархон Мамитова сўзга чиқиб, сайловчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов ўз сайловолди Дастури юзасидан нутқ сўзлади. Номзод вилоят аҳлининг мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларидаги ҳиссаси ҳақида гапирар экан, шаҳар ва туманларда барпо этилган кўркам бинолар, спорт иншоотлари, sanoat корхоналари, замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, янги кўчалар вилоят кўрқига кўрқ қўшиш билан бирга, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг тараққиёт асослари ва кафолатлари мустаҳкамланди, халқимиз манфаатларини ҳимоялаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида тарихий ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демокра-

тик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш борасидаги муваффақиятлари жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизнинг ўз тараққиёт йўли — “ўзбек модели” барча соҳаларда улкан самаралар бераётир.

Номзоднинг сайловолди Дастурида мамлакатимиз миллий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш, халқимизнинг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларнинг хорижий давлатларда ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсад қилинган. Дастурда илгари сурилаётган барча мақсад-вазифалар ўз мазмун-моҳияти билан бугунги ҳаётимиз, фаровонлигимиз, тинчлик-хотиржамликни таъминлашда, келажакимиз эгаларининг ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди Дастурида она тилини асраб-авайлаш, бойитиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Оммавий муомалада, кўчаларда жойлаштирилган ташқи ёзувларда, реклама ва эълонларда, оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутилган. Бу эса ўзини миллатимиз



эртасига дахлдор деб билган ҳар бир ватандошимизни бефарқ қолдирмайди.

Юртимизда хунармандчиликнинг барча тури азалдан ривож топган. “Устоз-шоғирд” аънаси асосида давом этиб келаётган ва ўзбек халқининг юксак маданияти ва истеъдодини намоийш этадиган ҳамда бадиий-эстетик қимматга эга бўлган миллий хунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг аънаналарини сақлаб қолишни рағбатлантириш партиянинг доимий диққат марказида бўлиб келаётир. Номзоднинг сайловолди Дастурида ҳам бу борада белгиланган мақсад-вазифалар азалдан миллий хунармандчилигимизнинг турли йўналишлари шаклланди ва тобора ривож топиб бораётган Андижон вилояти учун ҳам аynи мuddадир.

Юзма-юз мулоқот давомида Бўз

тумани 1-умумтаълим мактаби директори Юлдузхон Азимова, Андижон банк коллежи директори ўринбосари Комилжон Зайнобиддинов сўзга чиқиб, номзод сайловолди Дастурида илгари сурилган мақсад-вазифаларнинг аҳамияти, моҳияти хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таъкидланганидек, Дастурда кўзда тутилган мақсадлар Андижон вилояти тараққиёти, ҳудуд аҳолиси, ёшлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мамлакатимизни ижтимоий ривожлантириш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Сайловчилар номзодга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди. Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва келгусида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар юзасидан тақлиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муаззам ВАҚҚОСОВА,
Андижон шаҳридаги 2-сонли тиббиёт академик лицейи директори ўринбосари:

— ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди Дастури билан яқиндан танишгач, ундан алоҳида ўрин олган ёшларимизнинг спорт ва санъатга муносабатларини янада такомиллаштириш вазифаси эътиборимни тортди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда кенг қулоч ёйган ва умуммиллий вазифага айланган болалар спортини ривожлантириш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаси саналади. Андижон вилоятидан кўплаб таниқли спортчилар, қитъа, жаҳон ва Олимпиада чемпионлари етишиб чиққан. Яқинда Риода бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида бокс бўйича Ҳасанбой Дўсमतов ва оғир атлетика бўйича Руслан Нуритдинов қўлга киритган натижалардан барчамиз фахрланамиз. Номзоднинг сайловолди Дастурида ёшларни уч босқичли тизимдаги оммавий спортга — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақаларига жалб этишини янада ривожлантириш, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашиш муҳим вазифа этиб белгилангани алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бўлажак чемпионлар ана шундай мусобақалардан етишиб чиқади.

Комилжон ЗАЙНОБИДДИНОВ,
Андижон банк коллежи директори ўринбосари:

— Номзоднинг сайловолди Дастурида ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг қалби ва онгига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, келажакимиз эгаларини миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани кўпчиликка маъқул бўлди. Зеро, бугунги глобаллашув замонига ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун тинимсиз кураш кечаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мадомки шундай экан, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлашга доимий эътибор қаратиш муҳим вазифалардандир. Чунки бугунги кунда ахборот оқими кириб бормаган ҳудуд қолмади. Бу жараёнда ёшларнинг қалби ва онгига мафқуравий таҳдидларга қарши иммунитетини бойитиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Номзоднинг сайловолди Дастурида айнан ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан бири сифатида белгилангани эътиборга молик.

Президентликка номзод Сарвар Отамуратовнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Замира РЎЗИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Сўхбат

Сайловга муносиб ҳозирлик кўрилмоқда

< Давами. Бошланиши 1-бетда.

Мазкур сайлов жараёнларида орттирилган тажриба, қолаверса, миллий сайлов қонунчилигини умумэтироф этилган халқаро стандартлар билан тадрижий тарзда мувофиқлаштириш заруратида келиб чиқиб, 2015 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда ҳаракатлар кузатувчиларига мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилиши, сайлов участкалари қамоқда сақлаш жойларида ҳам ташкил этилиши мумкинлиги белгиланди.

Энди сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча иштирок этилган ўзбекистон Республикасининг барча фуқароси сайловчилар рўйхатига киритилди. Қолаверса, ҳар бир фуқаро рўйхатга киритилмагани, нотўғри киритилгани ёки рўйхатдан чиқарилгани эътибордан, рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилгани хусусида шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, аризани участка сайлов комиссияси кечаси ўқиб чиқарилади.

Яна бир янгилик сиёсий партия тақдим этган имзо варақаларига тааллуқли. Аввалги тартибга кўра, сиёсий партия тақдим этадиган имзо варақалари ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизини ташкил этиши лозим эди. Энди мазкур рақам бир фоизгача қисқартирилиб, партиялар икки юз мингдан ортиқроқ имзо варақалари йиғиши зарурлиги белгиланди.

Сайловолди ташвиқоти тушунчаси, турлари, шакллари ва усуллари аниқлик киритилди. — **Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз...**

— Марказий сайлов комиссияси ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик тадбирларини ўз вақтида бажармоқда. Бунда сайлов кампанияси билан боғлиқ барча тадбир Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига қатъий риоя қилинган равишда амалга оширилмоқда. Шунингдек, ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар дастури қабул қилинди. Мазкур тадбирлар миллий сайлов амалиёти мисий тарихида биринчи бор ўтказилаётгани билан аҳамиятлидир.

Вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича тадбирлар комплекс режаси тасдиқланди ва сайлов округларининг фаолияти шу асосда йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида видеоконференцалоқа шаклида округ сайлов комиссиялари иштирокида сайлов жараёни билан боғлиқ қатор йўналишларда семинар-тренинглари ўтказиб

борилмоқда.

Шу йил 11 октябрь кунини Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) сайлов департаменти раҳбари Александр Шлик бошчилигида ЭХТИёжларни баҳолаш миссияси (ЭБМ) экспертлари мамлакатимизга ташриф буюрди. Улар сайлов арафасидаги вазият ҳамда сайловга тайёргарликнинг бориши билан танишди. Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис палаталари, Олий суд, Ташқи ишлар ва Адлия вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатли вакили, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Жорий йилнинг 21 октябрда ЕХХТ ДИИХБнинг расмий веб-сайтида ЭБМ экспертларининг Ўзбекистонга ташрифи натижалари бўйича эълон қилган ҳисоботида сайловни кузатиш мақсадида мувофиқлиги, унинг форматини, давомийлиги ва кузатувчиларнинг зарур миқдори ҳақида қарор қабул қилинганлиги қайд этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси сайловни халқаро стандартларга мувофиқ транспарентлик руҳида ўтказишга тайёргарлиги эътиборга олиб, ЭХТИёжларни баҳолаш миссияси ЕХХТ ДИИХБга сайловни кузатиш бўйича миссия юборишни таклиф қилди. Бунда миссия таркибига асосий гуруҳ билан бирга 28 кишидан иборат узоқ муддатли кузатувчиларни, шунингдек, овоз бериш кунини сайлов участкаларида кузатувчи амалга оширадиган 250 кишидан иборат қисқа муддатли кузатувчиларни кириштириш таклиф этилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси каби нуфузли ташкилотлар Европа, Америка, Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси ва МДХ мамлакатлари парламентларининг, сайлов органларининг кўп сонли вакиллари ҳамда бошқа экспертлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатишда иштирок этишга тайёргар эканликларини билдирдилар.

Сайлов кампаниясини очик ва ошқора ташкил қилиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичи ҳақида мамлакатимиз аҳолиси ва халқаро ҳамжамиятни ўз вақтида, кенг хабардор қилиб беришда оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи ўринга эга. Марказий сайлов комиссияси бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “Uzreport” ахборот агентлиги билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланди. Марказий сайлов комиссияси маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакилини, округ сайлов комиссиялари эса қарийб 560 маҳаллий журналистларни аккредитациядан ўтказди.

Участка сайлов комиссиялари сайлов жараёнларини ташкил этишнинг энг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Шу маънода сайлов участкаларини сиёсий тадбирга тайёргарлиги, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билими-

ни ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга қаратилган уч босқичли семинар-тренинглари дастури ишлаб чиқилди. Республика, вилоят ва туманлар миқёсида ташкил этилаётган мазкур тадбирларда Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда соҳа экспертлари ҳам бевосита иштирок этмоқда. Тадбирлар воситасида участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш, сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, мuddатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш сингари долзарб масалалар бўйича участка сайлов комиссиялари аъзоларининг билим ва малакалари оширилмоқда.

— **Сайлов жараёнининг муҳим палласи — сайловолди ташвиқоти бошланди. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш тамойиллари ва меъёрлари ҳамда турлари, шакллари ва усуллари ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.**

— Ҳақиқатан ҳам сайловолди ташвиқоти сайловнинг муҳим босқичидир. Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга оширилаётган ва сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият ҳисобланади. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури ёки сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват қилиш билан бирга тарқатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш тарзида олиб борилади.

Ташвиқот омма олдига мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, номзод тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин. Сайловолди ташвиқоти оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (Интернет)да, босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига кўра, сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда номзодларга ҳақмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул ажратиш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Буларнинг барчаси фуқароларнинг номзодлар сайловолди дастурлари билан танишиш учун қафолатланган сайлов ҳуқуқларини тўла таъминлашга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг барчасига сайловолди ташвиқоти мақсадида олиб борадиган фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуллари билан ҳам фойдаланиши мумкин.

— **“Milliy tiklanish” мухбири Мухтарома КОМИЛОВА сўхбатлашди**

Ёшлар нигоҳи

< Давами. Бошланиши 1-бетда.

Юлдузхон УСМОНОВА, Тошкент давлат юридик университети талабаси:

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда юксак демократик талабларга жавоб берадиган миллий сайлов тизими ва қонунчилиги яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”, “Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Миллий сайлов қонунчилигимиз умумэтироф этилган халқаро талаб ва стандартларга тўла мос келади. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт каби ҳужжатларда белгиланган демократик, эркин ва адолатли сайловлар ўтказишнинг мезон ва талаблари сайловга доир қонунларимизда ўз аксини тошган.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, жумладан, ЎзМТДПдан кўрсатилган номзоднинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Бу учрашувлар, айниқса, Президент сайловида мен каби илк бор иштирок этаётган ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бош қомусимизнинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга. Чунки айнан шу ёшга тўлган, вояга етган шахс ўз мустақил фикрига, маълум маънода шаклланган сиёсий дунёқараш, давлат ва жамият миқёсида рўй бераётган жараёнларга муносабат билдира олиш қобилиятига эга бўлади. Демак, мен ҳам ўз хоҳиш-иродамини эркин билдириш, ўз конституциявий ҳуқуқимдан тўлақонли фойдаланиш ва юртимиз, халқимиз фаровонлиги таъминлашида барча сайловчи каби ўз овозим билан иштирок этиш имкониятига эга бўламан. Бу эса, ўз навбатида, биз ёшларни ушбу муҳим сиёсий жараёнга масъулият билан ёндашишга ундайди.

Арслон Тўраев, Қарши маданият ва туризм колледжи ўқувчиси:

— Ўзбекистонда ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича изчил саз-ҳаракатлар олиб боришда, уларнинг таълим-тарбия олиши, ўз иқтидорини ҳамда имкониятларини тўла рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Шундай экан, биз каби ёшларда она Ватанимиз тақдирига, мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бормоқда. Буни тенгдошларимнинг сайлов қонунчилигини астойдил ўрганаётгани, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди тадбирларига катта қизиқиш билдираётгани мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Бу йил илк маротаба сайловда қатнашаман. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муносиб номзодни сайлашда ҳар бир овоз муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, менинг танловим ҳам масъулиятли эканини чуқур англаган ҳолда, сайлов ҳақидаги тушунчаларимни, сайлов қонунчилиги борасидаги билимларимни оширишга ҳаракат қиляман. Шу мақсадда тенгдошларим билан “Менинг овозим — Ватаним келажаги” акцияси доирасида “Ёшларнинг сайлов жараёнларида фаол иштироки — жамият демократлашувининг муҳим омил” мавзусидаги давра сўхбатига иштирок этдим. Унда мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати, ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом инсонлар сифатида вояга етказиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдим. Шунингдек, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши айнан сайловлар орқали рўёбга чиқарилишини билиб олдим. Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига ҳамда ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатлангани тўғрисидаги билимларимни мустаҳкамладим. Улар бўлажак сайловда биринчи бор қатнашимизга қарамай, фаол бўлишимга ёрдам беради.



Абдумалик АБДУКАЮМОВ, Қоракўл туманидаги 3-академик лицей ўқувчиси:

— Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови нафақат биз ёшлар, балки бутун халқимиз учун муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида номзодлар орасидан тафаккури юксак, салоҳиятли, гоёлари бугунги реал ҳаётимизга мос келадиганига ўз овозимизни берсак, келажагимиз пойдеворини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшган бўламиз.

Бу йил мен ҳам бошқа тенгдошларим сингари сайловда биринчи марта овоз бераман. Бу муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганим сайловга оид қизиқишларимни янада оширди. Айни кунларда қизгин паллага кирган сайловолди ташвиқоти, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини кузатиш, мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат пайдо бўлганига амин бўлиш мумкин. Айниқса, ЎзМТДПдан Президентликка номзод Сарвар Отамуратовнинг сайловолди Дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримиз билан уйғун ва ҳамоханг. Дастурда илгари сурилган навиқорон авлод тарбиясига оид мақсад-вазифалар, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, тарихий ва интеллектуал меросимизни кўз қорачи-гидек асраб-авайлашга ўргатиш борасидаги гоёлар, айниқса, бугунги шиддат билан ривожланиб, ўзгариб бораётган глобаллашув даврида муҳим аҳамиятга эга.

Ўйлаيمанки, тенгдошларимнинг танлаган ҳаёт йўлида собитқадамлиги, эзгу мақсади томон интилувчанлиги уларнинг бўлажак сайловда фаол иштирокида ҳам акс этади.

Нозима АБДУҲАМИДОВА, хунарманд, Фаргона вилояти:

— Айни пайтда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ва уларнинг ишончли вакиллари иштирокида ташкил этилаётган сайловолди учрашувлар қизгин ва юқори ҳолда ўтмоқда. Учрашув ҳамда ташвиқот тадбирлари, ўз навбатида, сайловда илк бор иштирок этаётган ёшларнинг сайловга оид билими ва ҳуқуқий савиясини ошириш ҳам хизмат қилмоқда.

Айни сайловда илк бор қатнашаётган тенгдошларимиз ҳар бир овоз мамлакатнинг эртанги кунини, порлоқ келажагини учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини янада теран англаб етишлари лозим. Зотан, мамлакатимизда сайловларни ҳар томонлама демократик, очик-ошқора, эркин ва адолатли тарзда ўтказиш, фуқароларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимизнинг демократия йўлидан изчил бориши, янада юксак тараққиёт марраларини эгаллашига замин яратади.

Бу йил сайловда илк бор овоз бераман. Бу мен учун ҳам ҳаяжонли, ҳам масъулиятли вазифа. Зеро, фуқаролик бурчимни адо этишим мамлакатимиз тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшишим яна бир имкониятидир. Сайловчилар, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказилаётган семинар, учрашув ва давра сўхбатларида миллий сайлов қонунчилиги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонун, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, Марказий сайлов комиссиясининг сайловни тартибга солувчи қарорлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Хусусан, қонун ижодкорлари иштирокида ўтказилган учрашув ва давра сўхбатларида сайлов ва менинг ҳуқуқларим, умуман, қонунчилик борасидаги билимимни мустаҳкамладим.

Ўзим учун муносиб деб топган номзодга овоз беришим ҳаётда олдимга қўйган мақсадларим, орзу-истакларимнинг рўёби томон қўйилган яна бир муҳим қадам бўлади.

Усмон АБДУРАСУЛОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини

Округ сайлов комиссияси фаолияти

сайловда очик-ошқораликни таъминлашда муҳим ўрин тутати

< Давами. Бошланиши 1-бетда.

— Вилоятимиз ҳудудида айни пайтда 690 сайлов участкаси тузилган. Уларнинг комиссиялари таркибидан 10 миң нафардан ортиқ аъзо бор, — дейди 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг масъул котиби Абдумуталиб Нажмидинов. — Сайлов участкалари жойлашган манзил, уларнинг маркази ва чегаралари хусусидаги маълумотлар, сайлов округи тасдиқланган участка сайлов комиссияларининг таркиби маҳаллий босма нашрларда эълон қилинди. Участка сайлов комиссиялари аъзоларининг 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Аъзоларнинг 68,5 фоизи аввалги сайловларда сайлов комиссияларида фаолият кўрсатган, яъни бу борада муайян тажрибага эга.

Сайлов участкаларини жиҳозлаш, улар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Наманган шаҳри ва Косонсой туманида намунали деяр этироф этилган 79- ва 175-сайлов участкаларида кўргазмалар семинарлар ташкил этилди. Масалан, Наманган шаҳар ма-

иший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи биносига жойлашган 79-сайлов участкаси сайловга доир кўргазмалар воситалари, сиёсий адабиётлар билан тўлиқ таъминланган. Овоз бериш кабинаси, стационар ва кўчма кутилар шай этиб қўйилган. Участкада махсус жиҳозланган она ва бола ҳамда тиббиёт хоналарига зарур жиҳозлар, биринчи тиббий ёрдам учун керакли дори-дармон воситалари келтирилган.

Шу пайтгача фуқароларнинг сайлов тўғрисидаги хабардорлигини янада ошириш мақсадида шаҳар, туманларга 49,5 миңга яқин уч хил ҳажмдаги чақирув плакатлари етказилди. Вилоят марказидаги “Мегаполис” ва “Шодлик” супермаркетларидаги электрон таблода сайлов тарғиботи оид видеороликлар намоиш этилмоқда. Бундан ташқари, аҳоли гавжум ҳудудларда олтишга яқин чақирув баннери ўрнатилди.

Аҳолини сайлов кампаниясининг барча босқичи ҳақида мунтазам хабардор этиб бориш, муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёнини батафсил ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Округ сайлов комиссияси мат-

буот марказида электрон медиа, босма нашрлар ва Интернет сайтлари йўналишлари бўйича алоҳида гуруҳларда малакали олти журналист комиссия тасдиқланди. Округ сайлов комиссияси томонидан 43 нафар оммавий ахборот воситалари ходими рўйхатга олиниб, матбуот марказида уларнинг самарали фаолият юритиши учун барча қулайлик яратилган. Бу, ўз навбатида, сайлов жараёнларини очик ва ошқора ёритишга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссияси мазкур сиёсий жараёнга қизгин тадорик кўрмоқда. Президент сайловида халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши ва фаол фуқаролик позициясини намоён қилиши учун барча шароит мавжуд. Бу саз-ҳаракатларнинг барчаси сайловни халқаро меъёрларга монанд, демократик тамойиллар асосида уюшқоқлик билан ўтишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Оқилхон ДАДАБОВ, “Milliy tiklanish” мухбири



МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР ҲАР НАРСАДАН УСТУН!

САРВАР ОТАМУРАТОВ НОМЗОДИМИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Таълим

Салоҳиятли кадрлар — мамлакат келажаги

Истиқлолгача ёшлар тақдирига муносабат бугунгидек эмас эди. Мактабни битирган йигит-қиз олий ўқув юртига кирса кирар, бўлмаса аттестатли бекорчилар қаторидан жой оларди. Мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг муҳим ва янги бўлини — ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг самараси шундаки, ҳар бир ёш, ҳеч бўлмаганда, қайсидир хунар сирларини ўрганиб, бирор касб-корнинг бошини тутмоқда. Уларни иш билан таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга ошириляптир.

Тошкент шаҳридаги Матбаа-ноширлик касб-хунар коллежиди тўрт йўналиш — бухгалтерия, маиший ишлаб чиқариш техникаси-технологияси, дастурий таъминот бўйича техника мутахассиси, ахборот ресурслари маркази кутубхоначиси каби мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллеж директори Нодири Тўйқулованинг айтишича, коллежда 600 дан зиёд ўқувчи 45 ўқитувчи таълим бермоқда. Ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, келгу-

сида эл-юрт корига ярайдиган фарзанд бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топишида устозларнинг билими, тажрибаси, маҳорати ва жонқурлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис коллежда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилган. Хусусан, замонавий ускуналар билан жиҳозланган фан кабинетлари, лаборатория хоналари, муҳташам спорт зали — ўқувчилар ихтиёрида. Барча қулайликка эга машғулот хоналари ўқувчиларнинг назарий билимини амалиётда мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Мазкур коллежда таълим-тарбия жараёни, илгор педагогик тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш, ўқувчиларни тўғарақларга жалб қилиш ва уларни янги адабиётлар билан мунтазам таъминлаш борасидаги ишлар яхши йўлга қўйилган. Масалан, "Ёш биологлар", "Ёш қаламкашлар", "Ёш матбаачилар", "Ёш тилчилар", "Ёш физиклар", "Ўраста қизлар", "Мини футбол", "Шахмат-шашка", "Стол тенниси", "Волейбол" каби йўналишлар бўйича фаолият юритаётган 9 тўғарақ, 15 мингдан ортиқ китоб фондида эга Ахборот-ресурс маркази ёшларнинг билим ва кўникмасини мус-

таҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Ҳар бир ўғил-қиз ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши, қонунларимизни чуқур ўрганиши, уларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиши лозим, — дейди коллежнинг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Шарофиддин Мўминов. — Коллежimizда ёшларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, ўқувчиларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил баён этишига алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, ўз фикри, мақсади ва орзуларига эга инсон ҳеч қачон беқарор ва салбий таъсирларга берилмайди. Мунтазам ўтказилиб келинаётган "Сиз қонунни биласизми?" деб номланган кўрик-танловга тайёргарлик кўриш жараёнида ёшларимиз амалдаги қонунчилигимиздан янада кенг-роқ хабардор бўлмоқда. Шу боис ўқувчиларимиз мазкур кўрик-танловнинг республика босқичида фахрли ўрнини қўлга киритди.

Ёшлар орасида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида "Қулликка рози бўлманг!", "Огоҳ бўлинг, одамлар!", "Сенинг тақдиринг ўз қўлингда" каби мавзуларда тадбирлар мунтазам ўтказилади. Бу ёшларни одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан огоҳ этиш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. "Устозим, сизга таъзим" деб номланган тадбирда ўқувчилар сахна чиқишлари, табрик сўзлари билан коллеж ўқитувчиларига ўз муносабатини изҳор этади. Зеро, бугун ёшларга чуқур билим бериш билан бирга, улар қалбига йўл топиш, эзгу ғояларни жо этиш — давр талаби. "Она тилим — жону дилим" мавзусида ўтказилган маърифий тадбирда таниқли тилшунос, адабиётшунос олимлар иштирок этиб, ўқувчилар билан бевосита мулоқотда бўлдилар. Она тилимизнинг софлиги, уни асраб-авайлаш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди. Бу



ўқувчиларимиз онгу-шуурида жонажон тилимизга меҳр туйғусини янада оширади. Коллеж миқёсида "Қувноқлар ва зукколар" баҳси ҳам уюштирилади. Бунда ёшлар ҳаёти, турмушдаги ўзгаришлар, инсон феъл-атворидаги нуқсонлар қувноқлик, зукколик, топқирлик воситасида кўрсатиб берилади. Жамоалар "Ким эдигу ким бўлди" шартиди мустақиллик берган улкан имкониятлар, ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақидаги фикрларини баён этади. Халқимизнинг бой маънавий қўламада йўлга қўйиш режалаштирилган. Бунда ўқувчилар ўз бизнес-режаларини амалга татбиқ этиш билан боғлиқ кўплаб муҳим маълумотларга эга бўлади. Кредит сиёсати, маркетинг стратегияси, кичик бизнесда бухгалтерия ҳисобини юритиш, бизнесни суғурталаш борасидаги тушунчаларга эга бўлган ўқувчилар ўз бизнес ғояларини муваффақиятли йўлга қўйиши шубҳасиз. Шунингдек, "Жаҳолатга қарши маърифат", "Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?" мавзуларида иншола-

танлови ўтказиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Коллежнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи Обид Тоҳировнинг айтишича, "коллеж-корхона" ҳамкорлиги доирасида ўтказилаётган назарий ва амалий машғулотлар узвийлик касб этаётгани таълим самарадорлигини оширмоқда. Зеро, муассасада битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган. Ўқув амалиёти бўйича ҳар 10 битирувчига биттадан тажрибали ўқитувчи бириктирилиб, амалиётни фаол ўтаганлар моддий рағбатлантирилмоқда. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази тақдим этган бўш иш ўринларига битирувчилар ишга жойлаштирилмоқда. Бундан ташқари, шаҳар ва туманларда ўтказилган 80 дан ортиқ меҳнат ярмаркаси, битирувчиларга бизнес-режа тузиш ва банк кредитларидан фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган 100дан ортиқ семинар ва учрашувлар ҳам фойдали бўлмоқда. Мазкур тад-

бирларда коллеж ўқувчилари матбаа ва ноширлик йўналишларида фаолият олиб борувчи ташкилотлар билан шартнома тузишяпти. Хусусан, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, "Ўқитувчи" нашриёти, "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан ўқув йили бошида 3-босқич ўқувчилари корхонада ҳафтада 2 марта ва 2-босқич ўқувчилари учун бир марта ўқув амалиёти ўташлари учун зарур меҳнат шарт-шароитлари яратилди. Амалиётга бириктириш асносида "устоз-шоғирд" тизими жорий этилади. Китоб савдоси билан шуғулланувчи корхоналар билан ҳам яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Ўқувчилар у ерда ҳам амалиёт ўтаб, кейин ишга жойлашиш имконига эга бўлади.

Коллежда камида иккита касбни пухта эгаллаш, битирув арасида имзоланган тўрт томонлама шартнома бўйича ишга жойлашиш имконияти мавжуд. Коллежни тамомлаган ўқувчиларнинг аксарияти йўналишига қараб олий ўқув юртларига йўл олса, қолгани ишли бўлиб турли ташкилотларда фаолият олиб боради.

Халқимизда хунар — оқар булоқ, билим — ёнар чироқ, деган пурҳикмат мақол бор. Зеро, қўлида хунари бор инсоннинг хонадонидида қут-барақа булоқ суви мисоли доимо оқиб туради. Билим юксак манзилларга, баланд марраларга элтувчи йўлларни худди чироқ каби ёритади. Севган касб-хунари, теран билими бор инсон ҳаёт йўлларидида сурилмайди, ўз орзу-мақсадига эришади. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг "Ўзбек модели" асосида ҳар бир болага шахс сифатида ёндашилиб, уларнинг замонавий билим олиши ва касб-хунар эгаллаши учун барча шароит яратилгани замирида ана шундай эзгу мақсад мужассам.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

